1. Халқ фаровонлиги ғоясининг мазмун-моҳияти.
2. Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устивор йўналишлари.

14-вариант

1. Ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Миллий ғоя тарғибот-ташвиқот жараёнида масаланинг қайси жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим?

15-вариант

1. Фуқаролик жамиятининг маънавий-аҳлоқий ривожланиши: асослари, негизлари, омиллари.
2. Миллий ғояни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни
ва аҳамияти.

16-вариант

1. Миллий мафкурани халқимиз онги ва қалбига сингдириш усуллари.
2. Диний бағрикенгликнинг моҳияти нимадан иборат?

17-вариант

1. Бағрикенглик тушунчаси: намоён бўлиши, йўналишлари.
2. Қадриятлар – жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий
маҳсули эканлиги.

18-вариант

1. Инсонларнинг яшаши ва камол топиши учун маънавий қадриятларнинг муҳимлиги.
2. Ватанни қадрлаш туйғуси нима? (Каримов И.А. Юксак мънавият енгилмас куч. Т- 2008й)

19-вариант

1. Шахс ва миллат озодлигининг қандай умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд?
2. Миллалараро тотувлик ғояси: моҳияти ва талқини.

20-вариант

1. Ёшларнинг миллий ғурур, ор-номус, қадр-қимматни англашининг миллий ғоя билан боғлиқлиги. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори билан тасдиқланган “Ёшлар йили” Давлат дастури)
2. Ёшларда миллий ғоя шаклланишида маҳалланинг ўрни.

21-вариант

1. Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари.
2. Миллий ғоянинг ёшларни сафарбар этиш, илҳомлантириш, буюк келажак сари чорлаш учун аҳамияти. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори билан тасдиқланган “Ёшлар йили” Давлат дастури)

22-вариант

1. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликка раҳна солувчи иллатлар ва уларнинг салбий оқибатлари.
2. Жамият барқарорлиги – эркин ва фаровон қуриш омили.

23-вариант

1. Эркинлик ва тараққиёт ғояларининг муштараклиги.
2. Миллий ғоянинг фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланиши.

24-вариант

1. Миллий-маънавий қадриятлар миллий ғоянинг энг муҳим асосларидан

эканлиги.

2. Ёшлар руҳиятида миллий ғурур ва миллий ифтихор фазилатларининг зарурлиги. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори билан тасдиқланган “Ёшлар йили” Давлат дастури)

25-вариант

1. Миллий ғоянинг асосий вазифалари.

2. Мамлакатимиз ижтимоий ривожланишининг асосий негизлари нималардан иборат?

«МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР» ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Мафкуравий иммунитет нима?

А. Бадиий дид ва тафаккурни шакллантириш.

Б. Мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш.

С. Миллий мафкура асосида ёшлар онгида дунёқараш ва эътиқодини шакллантириш.

Д. Жисмоний саломатликни тиклаш.

2. Мафкуравий иммунитет шахс фаолиятининг қандай ҳолатларида намоён бўлади?

А. Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишда.

Б. Оила аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда.

С. Билимларни чуқур эгаллашда.

Д. Оила ва дўстларига нисбатан ижобий муносабатда.

3. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан кўзланган мақсад нима?

А. Уларда эркин, мустақил фикрлаш лаёқатини ҳосил қилиш.

Б. Миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат уйғотиш.

С. Умумбашарий қадриятларига садоқатлик.

Д. Юқоридагиларни барчаси тўғри.

4. Комиллик тушунчаси қандай маънони англатади?

А. Билимдонликни

Б. Соғломликни

С. Мукамалликни

Д. Хотиржамликни

5. Миллий ғоя қандай ҳолатда миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади?

А. Техникавий тараққиёт ривожланса

Б. Ижтимоий ҳамкорлик кучайса

С. Аҳолини ҳарид қуввати ортса
Д. Янги қонунлар қабул қилинса
6. Миллий мафкурага зид ҳолатларни кўрсатинг?
А. Миллатчилик, ирқчилик
Б. Ўзга миллат ва элат вакилларини ҳурмат қилмаслик
С. Ватанпарварлик
Д. Инсонпарварлик
7. Қуйидаги омилларнинг қайси бири Ватан равнақини таъминлайди?
А. Миллий одатлар
Б. Миллий ғоя
С. Илмий тадқиқотлар
Д. Ижтимоий фикрлар қарама-қаршилиги
8. Жаҳолатга қарши курашнинг қуроли нима?
А. Адолат
Б. Маърифат
С. Иқтисод
Д. Саҳоват
9. Ислом халифалигини тиклаш асосида мусулмон халқларни ягона империяга бирлаштириш ғоясини илгари сураётган зарарли оқим номини аниқланг.
А. Диний экстремизм
Б. Шовинизм
С. Коммунизм
Д. Натурализм
10. Қуйидагиларни қайсилари миллий мафкуранинг асосий мақсадларидан ҳисобланади?
А. Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги.
Б. Ҳар бир оиланинг фаровон бўлиши.
С. Ҳар бир оиланинг ахиллигини таъминлаш.
Д. Барчаси тўғри
11. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?
А. Хусусий мулк ҳукмрон мавқеига эга бўлган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар жамият.
Б. Давлат мулки ҳукмрон бўлган тоталитар жамият.
С. Қонун устивор бўлган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик жамият.
Д. Одамлар фаровонлиги таъминланадиган жамият
12. Бизнинг бош стратегик ғоямиз.
А. Демократик адолатли жамият барпо этиш.
Б. Фуқароларга эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш ғояси.
С. Қонунларни сўзсиз бажариш ғояси.
Д. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси.

13. Мустақиллик йилларида шаклланган миллий мафкураси қандай вазифа ва мақсадларни акс эттиради?

А. Халқимизнинг асрий аънана ва қадриятларини миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб, дунё тараққиёт ютуқларини илғор ғоялар билан бойитувчи эзгу мақсадларни акс эттиради.

Б. Миллатимизни бошқа миллатлар устидан юқори қўйишини акс эттиради.

С. Барча инсонлар учун тили, миллати ва динидан қаътий назар муносиб ҳаёт яратиб беришни кўзда тутади.

Д. Одамларнинг қонунга итоат этишини

14. «Кучли давлатдан-кучли жамият сари» деган шиор нимани англатади.

А. Сиёсий ҳаётни эркинлаштиришни

Б. Маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолияти доирасини кенгайтириш.

С. Давлатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни

Д. Собиқ эски тоталитар тузумдан янги тузумга ўтиш

15. Мамлакат экспот салоҳиятини ошириш ривожланишнинг қайси соҳасига киради?

А. Сиёсий соҳага

Б. Иқтисодий соҳага

С. Маиший соҳага

Д. Ижтимоий соҳага

16. Халқ орасида қандай одам «ёмон одам» деб ҳисобланади?

А. Меҳмонга бормайдиган одам

Б. Уйига меҳмон келмайдиган одам

С. Ўқимаган инсон

Д. Барчаси тўғри

17. Оиладаги моддий барқарорликни асосини нима ташкил этади?

А. Тежамкорлик

Б. Исрофгарчилик

С. Саришталик

Д. Покизалик

18. Юрт осойишталиги ҳамда халқ фаровонлиги даражасини билдирувчи миллий қадрият?

А. Аза

Б. Мотам

С. Тўй

Д. Меҳнат

19. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг дастлабки бўғинини кўрсатинг ?

А. Оила

Б. Маҳалла

С. Умумий ўрта мактаб
Д. Жамоа ширкати

20. Болаларнинг маданиятлилик даражасини қандай омил асосида аниқлаш мумкин?

А. Кийинишидан
Б. Фанларни ўзлаштириб олишидан
С. Ўз фикрини ифода этишидан
Д. Барчаси тўғри

21. Мустақил Ўзбекистон давлатининг бош стратегик мақсадлари булар;

А. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш.
Б. Фуқароларга муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш.
С.Аҳолида миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий мадниятни шакллантириш.
Д. Юқоридагиларнинг барчаси.

22. Ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар

А. Ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини империяга бирлаштириш
Б. Ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси
С.Турли мафкуравий воситалар орқали давлатлараро мажароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар
Д. Ҳаммаси тўғри

23. Бунёдкор ғоялар келтирилган қаторни топинг

А. Шовинизм, Фанатизм
Б. Реннессанс, Гуманизм
С. Фанатизм, Экстремизм
Д. Буларнинг орасида йўқ

24. Муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган мафкуравий ақида бу ...

А. Материализм
Б. Дуализм
С. Шовинизм
Д. Плюрализм

25. Инсоният тарихида мафкурадан кўзланган мақсадлар ичига қуйидагиларнинг қайсилари киради.

А. Муайян ғояга ишонтириш
Б. Маънавий-руҳий рағбатлантириш
С. Ғоявий иммунитетни шакллантириш
Д. Ҳаммаси тўғри

26. «Мусулмон биродарлари» ташкилоти ваҳҳобий мафкураси асосида биринчи марта қаерда шаклланади.

А. «Ахбош» номи билан Ливанда
Б. «Аллоҳ-бизнинг идеалимиз. Пайғамбар-йўлбошчимиз, Жиҳод-мақсадимизга эришиш воситаси, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлиш - муқаддас тилагимиз» шиори билан Мисрда
С. «Дорул-Акрам» номи билан Малайзияда.
Д. «Ҳар бир янгилик залолатидир» шиори билан Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида.

27. Ҳизбут Таҳрир ал-Исломия диний ташкилоти қачон ва қаерда пайдо бўлган.
А. 1927 йил Мисрда
Б. 1953 йил Исроилда
С. 1980 йил Марказий Арабистонда
Д. 1985 йил Суданда

28. Хоҳ исломий, хоҳ бошқа тусдаги давлатчиликни куч билан ўрнатиш ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига биноан қандай жиноят ҳисобланади.
А. Маъмурий қонунбузарлик
Б. Талончилик жинояти.
С. Мансабни суиистеъмол қилиш.
Д. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти.

29. «Қобуснома»нинг муаллифи ким?
А. Кошифий
Б. Кайковус
С. Абулқосим Фирдавсий
Д. Муҳаммад Хоразмий

30. «Таврот» қайси диннинг муқаддас китоби?
А. Яҳудийлик
Б. Буддавийлик
С. Насронийлик
Д. Оташпарастлик

31. «Толерантлик» нима?
А. Оила тинчлиги
Б. Динлараро тотувлик
С. Юрт осойишталиги
Д. Бурчга содиқлик

32. «Фозил одамлар шаҳри» фалсафий асари кимнинг қаламига мансуб?
А. Ҳусайн Воиз Кошифий
Б. Абу Наср Форобий
С. Абу Райхон Беруний
Д. Ибн Сино

33. Ўзбекистонда бугунги шароитда ислом экстремизми ва ақидапарастликнинг таҳдиди қандай намоён бўлади?
А. Халқнинг давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришда.
Б. Барқарорликни, миллатлараро тотувликни бузишга интилишда.
С. Асоссиз даъватлар ҳисобига ёшларни орқаларидан эргаштиришда.
Д. Юқоридагиларнинг хаммаси
34. Ислом ақидапарастлигининг ғоялари қайсилар?
А. «Соф ислом» принципларига қайтиш.
Б. Диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиш.
С. Исломий давлат қуриш
Д. Барчаси тўғри
35. Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинган ва БМТга аъзо бўлган йил ва кунини аниқланг.
А. 1990 йил 10 август, 1990 йил 5 март.
Б. 1990 йил 20 октябрь, 1990 йил 3 ноябрь
С. 1991 йил 31 август, 1992 йил 2 март
Д. 1990 йил 8 июль, 1990 йил 7 октябрь.
36. Кишилик жамиятини таназзулга етакловчи қандай диний таълимот бор?
А. Ислом
Б. Буддизм
С. Ваҳҳобийлик
Д. Индуизм
37. Миллий мафкуранинг негизлари қайсилар?
А. Умуминсоний қадриятлар
Б. Миллий қадриятлар
С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
Д. Юқоридагиларнинг барчаси.
38. Зардуштийлик динининг муқаддас китобини аниқланг.
А. Қуръони Карим
Б. Таврот
С. Авесто
Д. Инжил
39. Муайян ижтимоий гуруҳ миллат халкнинг эхтиёжлари максад - муддаолари манфаатларини мужассам этадиган ғоялар тизими бўлмиш миллий мафкуранинг бош ғояси қайси?
А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш
Б. Юрт тинчлиги
С. Ватан равнақи
Д. Халқ фаровонлиги
40. Истиқлол мафкураси эътироф этадиган умумбашарий қадриятлар.

А. Қонун устуворлиги
Б. Хурфикрлиги
С. Толерантлик
Д. Юқоридагиларнинг барчаси
41. Диний экстримизмнинг кўринишларини санаб ўтинг.
А. Ислом фундаментализми
Б. диний ақидапарастлик.
С. Инквизация
Д. Барчаси тўғри
42. «Дилинг – Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин». Ушбу ҳикматнинг муаллифи ким?
А. Алишер навоий
Б. Бахоуддин Нақшбанд
С. Аҳмад Яссавий
Д. Абдуҳолиқ Ғиждувоний
43. Шу йил ЮНЕСКОнинг қарорига биноан 2700 йиллик юблейи бутун дунёда кенг нишонланадиган муқаддас китобни кўрсатинг.
А. Инжил.
Б. Таврот
С. Авесто
Д. Қуръон
44. «Патернализм», «Жамоага садоқат», «Модернизация», «Фуқаролик бурчи» қайси давлат тараққиёт моделининг бош ғоялари бўлган?
А. Америка
Б. Япония
С. Германия
Д. Жанубий Корея
45. Шарқда диний ақидапарастликнинг қурбони бўлган алломаларни кўрсатинг.
А. А.Навоий, А.Жомий.
Б. Мотуридий, Марғиноний.
С. Ибн Сино, Беруний
Д. Мансур Ҳаллож, Бобораҳим Машраб.
46. Ғарбда инквизация қурбони бўлган буюк олимнинг номини зикр этинг.
А. Иммануил Кант
Б. Джордано Бруно
С. Томас Гоббс
Д. Френсис Бэкон
47. Олам ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиши хусусиятлари масалаларида бир-бирига қарама-қарши бўлган оқимларнинг номи қайси қаторда тўғри берилган.

А. Монизм-дуализм
Б. Материализм –идеализм
С. Анимизм –фетишизм
Д. Атеизм-теизм

48. Ислом фундаментализмининг моҳияти қайси оқимлар ғояларида намоён бўлган?

А. Аум Синрике, Адвентистлар
Б. Ваҳҳобийлик, Ҳизбут-Таҳрир
С. Акромийлар, протестантлар
Д. Ҳанафия, Кубровия

49. Кубровия, Нақшбандия, Яссавия қайси таълимотнинг йўналишлари ҳисобланади?

А. Буддавийлик
Б. Зардуштийлик
С. Насронийлик
Д. Тасаввуф

50. Ўзбекистон ҳудуди неча минг квадрат километрни ташкил этади?

А. 447,4 минг. кв. км.
Б. 474,6 минг кв. км.
С. 297,3 минг кв. км.
Д. 496,5 минг кв. км.

51. Туркий тилларни яккалам қилган аллома, тарихий шахс ким?

А. А.Яссавий
Б. Беҳбудий
С. Фузулий
Д. А.Навоий

52. «Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлик қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим» ушбу сатрлар қайси асардан олинган?

А. А.Навоий «Ҳарат-ул-аброр»
Б. «Темур тузуклари»
С. Саъдий «Гулистон»
Д. Форобий «Фозил одамлар шаҳри»

53. Ибтидоий мафкура саналган мафкура номини кўрсатинг.

А. Монеизм, дуализм
Б. Идеализм, синтоизм
С. Тотемизм, анемизм
Д. Идеализм, синтоизм

54. «Маданият» сўзининг келиб чиқиши.

А. Лотинча «Халқ» сўзидан
Б. Форсча «Қалам» сўзидан

С. Туркча «Ўқитувчи» сўзидан
Д. Арабча «шаҳар» сўзидан
55. «Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирини шод айлагай, Онча борки, Каъба вайрон бўлса обод айлагай» сатрлари кимнинг қаламига мансуб?
А.А.Навоий
Б. З.Бобур.
С. С.Шерозий
Д. А.Авлоний
56. «Қуръон» сўзининг маъноси нима?
А. Қироат, ўқиш
Б. Ёзиш
С. Чизиш
Д. Англаш
57. Ҳизбут-Таҳрир ал-Исломия диний ташкилоти асосчиси ким?
А. Султон Боязид Йилдирим
Б. Муҳаммад Илёс
С. Хожи Абдулла
Д. *Шайх Таҳийддин Набаҳоний
58. Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг негизига асос қилиб олинган ҳужжатлар?
А. Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон декларацияси
Б. Халқаро ҳуқуқ қоидалари
С. БМТ хужжатлари
Д. Барчаси тўғри
59. Президент И.Каримов «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга» деб қайси асарларида ёзганлар?
А. «Мақсадимиз-тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик» Ўзбекистон телевидениями мухбирининг саволларига жавобларида. 1995 йил 27 октябрь.
Б. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқида. 1997 йил 29 август.
С. Туркий тили давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида. 1998 йил 9 июнь
Д. «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин», Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида. 1998 йил 2 –сон.
60. Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи» сўзлари қайси маърифатпарвар олим қаламига мансуб?
А. А.Фитрат

Б. У.Носир
С. Беҳбудий
Д. Абдулла Авлоний

61. Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар мураккаблашувининг асосий сабаби нимада?

А. Марказий Осиё минтақаси сиёсий харитасида рўй берган туб ўзгаришлар.
Б. Минтақанинг географик ўрни.
С. Авғонистонда 20 йилдан буён давом этадиган «Биродаркушлик» уруши.
Д. Ичкерия Республикасида рўй берган мажоролар.

62. Ғоявий бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар нималар?

А. Давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳадаги қониқарсиз фаолияти.
Б. Ижтимоий фанларнинг ўқитишнинг давр талабларидан орқада қолганлиги
С. Жамият ҳаётида рўй бераётган мураккаб ўзгаришларнинг ўз вақтида илмий ечим топмаганлиги
Д. Барча жавоблар тўғри

63. Ақидапаратлик мафкурасининг моҳияти қайси жавобда берилган?

А. Жамият тараққиётига тўсқинлик қилиш
Б. Жамият тараққётига ҳисса қўшиш
С. Жамият равнақи учун курашиш
Д. Халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи учун қайғуриш

64. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан кўзланган мақсад нима?

А. Уларда эркин мустақил фикрлаш лаёқатини ҳосил қилиш
Б. Миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат уйғотиш
С. Умумбашарий қадриятларга содиқлик туйғусини юзага келтириш
Д. Юқоридагиларнинг барчаси

65. Ғоя тушунчаси моҳияти

А. Инсон тафаккури маҳсули
Б. Фикрлар мажмуи
С. Қараш, тушунчалар таълимотлар
Д. Ҳаммаси тўғри

66. Миллий ғоя тушунчаси моҳияти

А. ҳар қандай фикр, тушунча
Б. шахсий фикр
С. муайян бир ғоя
Д. халқимизнинг эзгу-интилишлари, тараққиёт йўлидаги бош ғоя

67. Миллий ғоя мафкуранинг ўзаро алоқаси нимада?

А. ғоя, стратегия, мафкура, тактика

Б. ғоя, назария, мафкура, амалиёт
С. ғоя, асосий мақсад, мафкура эса дунёқарашнинг негизидир
Д. тараққиёт йўлидаги бош ғоя ва дунёқарашни ўзгартирадиган кучли восита

68. Миллий мафкуранинг фалсафий асоси?
А. шарқ, юнон, Рим фалсафаси
Б. дунёвий билимлар
С. диний қарашлар
Д. И.А.Каримов асарлари

69. Ғояларнинг тарихий шакллари?
А. тотемизм, анимизм, фетимизм
Б. монизм, дуализм, плюрализм
С. идеализм, материализм, космополитизм
Д. барчаси тўғри

70. Истиқлол ғояси кучи нимада?
А. халқлар ва давлатлар тақдирига таъсирида
Б. инсонларни етакловчи сифатида
С. жамиятни бирлаштиришда
Д. ҳаммаси тўғри

71. «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг назарий-амалий йўналишлари ким томонидан асослаб берилди?
А. халқимиз
Б. миллатимиз
С. жамиятимиз
Д. Ислом Каримов

72. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепцияси яратилиши сабабларини кўрсатинг?
А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш муносабати билан
Б. Ўзбекистон Республикаси тарихида XXI аср бошланиши муносабати билан
С. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан
Д. Келажакда буюк давлат қуриш мақсадида халқни, жамиятни бирлаштирувчи, одил йўлга бошловчи байроқнинг кераклиги натижасида

73. Ғоя тушунчаси нимани билдиради?
А. инсоннинг ижодий қобилиятлари
Б. инсон тафаккури маҳсули
С. тарих маҳсули
Д. инсоннинг билим даражаси

74. Миллий ғоя нима?

А.инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи
Б. муайян жамиятнинг мақсадлари учун хизмат қилувчи ғоялар тизими
С. муайян давлатда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қарашлар
Д. умуминсоний қадриятлар мажмуи

75. Мафкура тушунчаси нимани билдиради?

А. инсонларнинг катта гуруҳларини бирлаштирувчи ғоя
Б. йўналиши ва мазмуни бўйича турли ғояларни ўз ичига олган назария
С. жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизими ва уларни амалга ошириш методлари
Д. бирор катта ғояни амалга ошириш усуллари

76. Жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўладиган, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қиладиган вайронкор ғояларга нималар киради?

А. мустабидлик, террорчилик
Б. жаҳолатпарастлик, ақидапарастлик
С. миллатчилик, ирқчилик
Д. юқоридагиларнинг ҳаммаси

77. Мафкуранинг тарихий кўринишлари қайси жавобда кўрсатилган?

А. мифологик, фалсафий, илмий
Б.диний, дунёвий, фалсафий
С. мифологик, диний, дунёвий
Д. дунёвий, сиёсий, маданий

78. Тотемизм сўзи нимани билдиради?

А. инсоннинг самовий келиб чиқиши ҳақидаги ғоя
Б. инсоннинг худо томонидан яратилгани ҳақидаги ғоя
С. илк уруғчилик даврида ҳар бир уруғнинг бирор жонивор, ўсимлик, предмет ёки табиат ҳодисаси билан ғайритабиий боғлиқлиги ва қондош яқинлигига ишониш асосидаги дин шакли
Д. инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги илмий тасаввурлар

79. Индуизм қайси миллатнинг дини?

А. Хитой
Б. Мўғул
С.Ҳинд
Д. Филиппин

80. Плюрализм сўзи нимани билдиради?

А. космоснинг кенгайиб бориши ҳақидаги назария
Б. абадий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар
С. оламнинг асосида кўп нарсалар ётиши ҳақидаги ғояларни илгари сурувчи таълимот
Д. инсоннинг якка худолик ҳақидаги тасаввури

81. Шовинизм нима?
А. бир миллатнинг бошқасидан устунлигини тарғиб қилувчи назария
Б. муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафкура ҳақида
С. илоҳий қадриятлар
Д. миллатлар бирдамлиги
82. Мафкуранинг илдизлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
А. фалсафий, афсонавий, диний
Б. дунёвий, диний, афсонавий
С. диний, афсонавий, жисмоний
Д. фалсафий, дунёвий, диний
83. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар нималар?
А. давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳадаги қониқарсиз фаолияти
Б. ижтимоий фанларни ўқитишнинг давр талабларидан орқада қолиши
С. жамият ҳаётидаги айрим муаммоларнинг ўз вақтида илмий ечимини топмай қолиши
Д. Юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри
84. «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган фикрни Президент И.А.Каримов қачон ва қаерда таъкидлаб ўтган?
А. “Маънавият ва маърифат” Республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувда сўзлаган нутқида (1996 йил, 4 сентябрь)
Б. “Озодлик” радиосининг ўзбек шуъбаси ходимлари билан суҳбатида (1997 йил, 15 январь)
С. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида (1997 йил, 29 август)
Д. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида (1998 йил)
85. Мафкура қандай асосий мақсадларни кўзда тутади?
А. муайян ғояга ишонтириш
Б. йўналтириш, сафарбар этиш
С. маънавий - руҳий рағбатлантириш
Д. юқоридагиларнинг ҳаммаси
86. Мафкуранинг асосий вазифаларига нималар киради?
А. эътиқодни, дунёқарашни шакллантириш
Б. муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш
С. ҳаракат дастурини билиш, маънавий рағбатлантириш
Д. юқоридагиларнинг ҳаммаси

87. Президент И.Каримов «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга» деб қайси асарларида ёзганлар?

А. «Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик» Ўзбекистон телевиденияси мухбирининг саволларига жавобларида. 27.10.95

Б. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдеори» Ўзбекистон С. Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида. 1997 йил, 29 август

С. Туркий тили давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида. 1998 йил, 9 июнь

Д. «Жамиятимиз мафкураси ҳалқни - ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин». «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида. 1998 йил, 2-сон

88. Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан кучлилигини ифодаловчи сабаблар?

А. ахборот тармоқларининг кенг ёйилиш имконияти мавжудлиги

Б. ахборотларнинг инсон онгига хоҳлаган вақтда таъсир эта олиш имкониятига эгалиги.

С. ахборотларнинг инсон онгига турли шароитларда таъсир эта олиш имкониятига эгалиги

Д. юқоридагиларнинг ҳаммаси

89. «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги.. ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқдир». Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

А. Амир Темур

Б. Алишер Навоий

С. Имом Мотуридий

Д. Ислом Каримов

90. Ривожланган мамлакатларда жамият мафкураси нималарга асосланади?

А. фақат миллий қадриятларга

Б. умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга

С. ахборот технологияларига

Д. илмий – техникавий кашфиётлар ва иқтисодий имкониятларга

91. Бугунги кунда мафкуравий курашнинг глобал кучайишига асосий сабаблар?

А. бошқа халқларнинг маънавий дунёқарашига ўзининг мафкурасини сингдириш асосида ҳукмронлик ўрнатиш

Б. ўзининг сиёсий мақсадига эришиш учун бошқа мамлакатларни мафкуравий жиҳатдан бўйсундириш

С. мамлакатларни мафкуравий жиҳатдан бўйсундириш орқали уларнинг табиий хом ашё бойликларидан фойдаланиш

Д. юқоридагиларнинг ҳаммаси

92. Ҳозирда ахборот соҳасидаги глобаллашув қандай аҳамиятга эга?
А. халқаро террорчилик ташкилотларига ёрдам кўрсатади
Б. ахборот воситалари орқали халқларни ва мамлакатларни бир- бирига яқинлаштиради
С. аҳолига турли мафкуравий марказлар томонидан мафкуравий таъсир кўрсатиш ишида янги имкониятлар очади
Д. ҳамма жавоблар тўғри
93. Инсон қалби ва онги учун курашнинг ҳозирги кунда кучайиб бораётганлигига сабаб нимада?
А. ўз товарлари ва технологияларини бошқа мамлакатлар бозорларида сотишни кенгайтиришга интилиш
Б. ўз маънавий қадриятларини бошқа мамлакатлар аҳолиси онгига сингдириш учун интилиш
С. сиёсий мақсадларни ҳарбий, тажовузкорлик усуллари билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги
Д. миллатчилик ва миллий биқиқлик
94. Бугунги дунёдаги ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг реакцион йўналишлари
А. дунёда турли юқумли касалликларнинг хавфли даражада тарқалиши
Б. уруш, қуролланиш, терроризм ва экстремизм
С. ирқчилик, миллатчилик, диний ақидапарастлик
Д. тоталитаризм ва мустабидлик ғояси асосидаги фаолиятлар
95. Халқаро сиёсий ва мафкуравий марказлар Марказий Осиёнинг этник ва маънавий жиҳатдан яқин бўлган халқларнинг бир- биридан ажратиш ва ўзаро душманларга айлантириш учун қандай воситалардан фойдаланмоқдалар?
А. Давлатлар орасидаги айрим ҳудудий масалалар юзасидан кам аҳамиятли келишмовчиликларни бўрттириб кўрсатиш
Б. Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар ва сиёсий арбобларнинг етакчилиги ҳақидаги масалаларни сохта равишда муҳокама қилиш
С. Мамлакатлар ички ҳаётидаги айрим салбий фактлар асосида умумлаштирувчи хулосалар чиқариш
Д. юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри
96. «Туркистон – умумий уйимиз» ғоясини Марказий Осиё давлатларидан қайси бири олға сурган?
А. Қозоғистон
Б. Ўзбекистон
С. Қирғизистон
Д. Туркманистон
97. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?

А. дунёвий, демократик, хуқуқий
Б. мустақил, дунёвий, демократик
С. миллий, мустақил, демократик
Д. мустақил, хуқуқий, демократик

98. Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қайси жавобда кўрсатилган?

А. бозор иқтисодиётига ўтиш
Б. бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш
С. хуқуқий демократик давлат қуриш
Д. бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриш

99. Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий усули нима?

А. маҳалла
Б. оила
С. ҳокимият
Д. ҳаммаси тўғри

100. Ёшлар ўртасидаги муаммоларни камайишида қайси омил таъсирли деб биласиз?

А. бозор иқтисодига ўтилиши
Б. таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши
С. Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш
Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Жавоблар

1. С	2. А	3.Д	4. С	5. Б
6. А	7. Б	8. Б	9. А	10.Д
11.С	12.Д	13.Д	14.Б	15.Б
16.Д	17.Д	18.С	19.Б	20.Д
21.Д	22.Д	23.Б	24.С	25.Д
26.Б	27.Б	28.Д	29.Б	30.А
31.Б	32.Б	33.Д	34.Д	35.С
36.С	37.Д	38.С	39.А	40.Д
41.Д	42.Б	43.С	44.Б	45.Д
46.Б	47.Б	48.Б	49.Д	50.А
51.Д	52.Б	53.С	54.Д	55.А
56.А	57.Д	58.Д	59.Д	60.Д
61.А	62.Д	63.А	64.Д	65.Д
66.Д	67.Б	68.Д	69.Д	70.Д
71.Д	72.Д	73.Б	74.А	75.С
76.Д	77.Б	78.С	79.С	80.С
81.С	82.Д	83.Д	84.Д	85.Д
86.Д	87.Д	88.Д	89.Д	90.Б
91.Д	92.Д	93.Б	94.Б	95.Д

96.Б	97.Д	98.Д	99.А	100.А

“МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР”

фанидан

С А ВО Л Н О М А

1. «Ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмуни.
2. Бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳоялари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
3. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар.
4. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар.
5. Миллий мафкуранинг мазмуни.
6. «Миллий ғоя» тушунчаси, унинг фалсафий моҳияти.
7. Миллий мафкуранинг тарихий ва фалсафий илдизлари.
8. Миллий мафкуранинг асосий тамойиллари.
9. Ватан равнақи миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
10. Юрт тинчлиги миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
11. Халқ фаровонлиги миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
12. Комил инсон миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
13. Ижтимоий ҳамкорлик миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
14. Миллатлараро тотувлик миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
15. Диний бағрикенглик миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири.
16. Мафкуранинг ҳаётийлигини таъминловчи асосий омиллар.
17. Мафкуравий имунитет нима ва нима учун у ҳозирги кунда зарур?
18. Бозор ислоҳатларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмаларини яратиш-муҳим устувор вазифа. (И.А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси 9-сессиясида сўзлаган нутқи асосида).
19. “Кучли давлатдан кучли жамият сари” ғоясининг моҳияти. (И.Каримовнинг “Миллий мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асари бўйича)
20. Миллий мафкуранинг миллий хусусиятлари.

21. Миллий мафкурани халқмиз қалби ва онгига сингдиришнинг асосий воситалари
22. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви.
23. Ўзбекистонда нега ҳеч бир мафкура давлат мафкураси бўлмаслиги керак?
24. Миллий мафкуранинг умуминсоний тамойиллари.
25. Халқаро терроризм билан курашни кучайтириш ва унинг аҳамияти. (И.А.Каримовнинг Республика Олий Мажлис 9-сессиясида сўзлаган нутқи асосида).
26. Тараққиётнинг “ўзбек модели”.
27. Миллий ғоя миллатни миллат, халқни халқ қилгучи ғоядир. (И.А.Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин” асари бўйича)
28. И.А.Каримов Миллий ғоянинг асосчиси. (И.А.Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин” асари бўйича)
29. Ғоя ва мафкуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. (И.А.Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин” асари бўйича)
30. Ижтимоий тараққиёт тарихи. Ҳоя ва мафкуралар тарихи.
31. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзаралари. (И.А.Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин” асари бўйича)
32. Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонлар. (И.А.Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин” асари бўйича)
33. Ҳозирги замон геосиёсати ва Марказий Осиё давлатлари.
34. Ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири.
35. Миллий мафкура, миллий ўзликни англаш воситаси.
36. Миллий ғоянинг мақсади ва вазифалари.
37. Олий таълим миллий ғоявий тарбия ўчоғи. (И.А.Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин” асари бўйича)
38. Миллий ғоя ва ислом дини.
39. Миллий ғоя ва жамиятни демократлаштириш жараёни.
40. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш - миллий ғояни амалга ошириш гарови. (И.Каримовнинг Халқ депутаталари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи асосида).
41. Миллий ғоя ва ёшлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори билан тасдиқланган “Ёшлар йили” Давлат дастури.)

42. Маънавият камолот омили (Каримов И.А. Юксак мънавият енгилмас куч Т-2008й).

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ - ГЛОССАРИЙ

Мафкура – фикрлар мажмуи, ғоялар тизими, эътиқод.

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя.

Ғоя - муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч.

Манфаат – индивид ёки ижтимоий гуруҳ фаолиятини, хулқини белгилайдиган асосий омил.

Ғоявий тарбия – Жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришдир. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади.

Ғоянинг турли кўринишлари – Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига кўра – илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга бўлинади.

Бунёдкор ғоялар – 1) Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган тушунча; 2) Жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

Вайронкор (бузғунчи) ғоялар – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

Миллий ғоя – Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллий мафкура – Миллий мафкура ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Миллий ғоянинг асосий ғоялари – Ватан равнақини таъминлаш ва юксалтириш; Юрт тинчлигини таъминлаш ва асраш; Халқ фаровонлигини таъминлаш; Комил инсонни тарбиялаш; Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш; Миллатлараро тотувликни таъминлаш; Динлараро бағрикенглик (толерантлик);

Миллий ғоянинг бош ғояси – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

Шовинизм – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти

Миллатчилик – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилоти

Модернизм – диндаги замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланишни ёқлаб чиқувчи оқим

Традиционализм – анъанавийлик. Диний ақидаларни ва концепцияларни фан-техника ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қараб қайта кўриб чиқишни рад этувчи оқим

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш

Мафкуравий иммунитет – лотинча Immunitatis сўзидан олинган бўлиб –бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим

Барқарорлик – тинчлик, осойишталик

Ватан равнақи – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир

Юрт тинчлиги – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик –инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир

Халқ фаровонлиги – ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади

Комил инсон – инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабати

Ижтимоий хамкорлик – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гурухларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги

Миллатлараро тотувлик – муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритиши

Диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши

Ички тахдидлар – ўз Ватанига, ватандошига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, хатти-ҳаракатлардир.

Ташқи тахдидлар – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади.

Экстремизм – Ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

Ҳизбут-тахрир – реакцион рухдаги диний-сиёсий ташкилот бўлиб, араб тилидан “Озодлик партияси” деган маънони билдиради

Мулк – иқтисодий категория бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва кишилар ўртасидаги муносабатларда ифодаланади. Мулкнинг ижтимоий ва хусусий шакллари мавжуд.

Бозор иқтисодиёти – иқтисодий алоқаларнинг йиғиндиси бўлиб ўз қонунларига эга, яъни: эркин рақобат, эҳтиёж ва ишлаб чиқариш, талаб ва таклифларнинг миқдори ва таркибини бир-бирига мувофиқлаштириш, хусусий мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, мулкка эгалик, хўжалик юритиш ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш каби иқтисодий қонунларга бўйсунади. Бозор иқтисоди халқнинг ижоди ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очади.

Менталитет – (лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

Демократия – халқ ҳокимияти.

Янги жамият – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият.

Анъана – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

Урф-одат – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва кўникмалар.

Мустақиллик – 1) Тазйиқдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараённи акс эттиради.

Феномен – (юн. Phainomenon – юз берувчи) – 1) кўзга кўриниб турган ҳол; 2) ноёб, кам учрайдиган ҳол, ёки буюк, ягона бўлган инсон; 3) ҳиссий

билиш, тажрибада берилган маълум бир ҳолни англатувчи фалсафий атама; ҳиссий тажриба ёрдамида пайқаладиган ва англанадиган ҳодиса, жонли мушоҳада объектини билдирадиган тушунча.

Миллий ғурур – 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

Муҳолифат – (арабча «муҳолафат» - келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Муҳолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёҳуд в) сиёсий партиялар ичида.

Маърифат – Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

Эътиқод – Дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш – уни ҳақ деб билиб, уни таълимотини тан олиш.

Тасаввуф – исломдаги диний-фалсафий оқим. 8 асрда араб мамлакатларида пайдо бўлган. Бу таълимот ўша даврда савдогарлар ва косибларнинг манфаатини кўзлаган. Тасаввуфнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишишидир.

Комиллик – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан сахий, танбалга нисбатан серғайрат, қўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди.

Қадрият – умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий, диний турларга бўлинади.

Аксиология – (юн. «axio» - қадрият ва «logos» - фан, таълимот) – қадриятшунослик; қадриятлар ҳақидаги фан.

Миллийлик – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

Маънавият – (араб. – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Умуминсоний қадриият – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

Миллий қадриият – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

Умумбашарий – бутун дуне, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Озодлик – барча демократик эркинликларга эришишнинг, ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган ва таъминланган жамиятнинг бош шарти.

Обод Ватан – фуқаролари эркин, озод, яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, хавфсизлиги таъминланган фаровон ҳаёт қуриш макони.

Фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунчадир. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

Эҳтиёж – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

Интеграция – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва, мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

Ватанпарварлик – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат.

Демократик институтлар – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар киради. 1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) Юридик мақомга эга бўлган мухолифат. 3) Мулкчилик институти.

Шарқона демократия - урф-одат, қадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

Сиёсий демократия - жамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш.

Ижтимоий демократия - бугунги давр демократияни ислоҳотлар жараёнига айлантириш.

Ирқчилик – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекамукўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

Ақидапарастлик – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Бу атама фақат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади.

Фанатизм – Бирон ғояга, шахсга унинг мазмунини, моҳиятини чуқур англамасдан жоҳилларга ишониш ва унга эргашишдир ва у ҳаётда турли соҳаларда учрайди.

Манқурт – «Манқурт» ўз эли, тарихи, қон-қариндошини, ҳатто ўзи туққан онасини ҳам унутган, ўз келажагини тасаввур эта олмайдиган кишилар ва халқларнинг мажозий образи. У халқларнинг манқуртларга айланишида бош айбдор давлат ва мафкурага тўла бўйсундирилган жамиятдир деган хулосага келади. Масалан, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида «Манқурт» афсонасидаги шахс образи.

Тафаккур – (араб. – фикрлаш, ақлий билиш) – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи.

Ватан туйғуси – Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғусини илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».

Тарғибот-ташвиқот – инсонни бирор харакатга рағбатлантириш ва кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтириш.

Прагматив – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

«МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР» ФАНИ БЎЙИЧА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТАЯНЧ ИБОРАЛАРИ

1. Аҳолининг турли қатламларини ғоявий қуроллантириш омиллари. **Таянч иборалар:** меҳнат жамоаси, корхона, давлат, нодавлат ташкилотлар, раҳбар, сиёсий партиялар.

2. Ақида ва ақидапарастлик мафкураси. **Таянч иборалар:** динни ўзгаришсиз, аслидагидек сақлаш, зўравонлик, ёвузлик, ҳокимият, догматизм, чекланганлик.
3. Ақидапарастларнинг маънавиятга қарши кураш олиб боришларининг туб сабаблари. **Таянч иборалар:** маънавий қашшоқ, билимсиз, нодон, социал таянч, манфаат, чекланганлик.
4. Ақидапарастликнинг кенг тарқалган кўринишлари. **Таянч иборалар:** фашизм, коммунизм, диний фундаментализм, экстремизм.
5. «Бўлиб ташла ва ҳукумронлик қил» тамойилини амалга ошириш учун уринишлар. **Таянч иборалар:** ижтимоий парокандалик, зиддиятларни юзага келтириш, нотўғри тасаввурни хосил қилиш, ғаразли мақсадлар.
6. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз. **Таянч иборалар:** жамият, давлат, тузум, демократия, ҳуқуқ, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти.
7. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат қуришнинг сиёсий соҳасидаги асосий вазифалари. **Таянч иборалар:** демократиялаш, самарали давлат тизими, фуқаролик жамияти, сайловлар, икки палатали парламент.
8. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат қуришнинг ижтимоий соҳадаги вазифалари. **Таянч иборалар:** кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳимоялаш, илм-фан, таълим, соғлом авлод.
9. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат қуришнинг иқтисодий соҳадаги вазифалари. **Таянч иборалар:** эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, субъектларнинг мустақиллиги, тўсиқларни олиб ташлаш, муносиб ҳаёт, турмуш.
10. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат қуришнинг маънавий соҳасидаги вазифалари. **Таянч иборалар:** маънавий қадрият, фан-техника, онг, миллий мустақиллик, сохталаштиришга йўл қўймаслик, баркамол авлод.
11. Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш иқтисодиётнинг муҳим шартидир. **Таянч иборалар:** хусусий сектор, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, инвестицион муҳит, инвестор.
12. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. **Таянч иборалар:** икки қутбли дунё, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ғоявий қарама-қаршилик, глобаллашув, гегемонлик.
13. Бугунги кунда миллий мафкурани ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтаришга ундаётган омиллар. (И.А.Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари асосида). **Таянч иборалар:** ёт ғоялар, ғаразли кучлар, мафкуравий бойлик, мафкуравий иммунитет, тарбия.

14.Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг ҳозирги кўринишлари. **Таянч иборалар:** мумтозлик, менсимаслик, ақл ўргатиш, орқага қайтариш, гегемонлик.
15.«Ватан туйғуси» тушунчаси. **Таянч иборалар:** - юксак эътиқод, садоқат, тарихни ўрганиш, ҳурмат, фидойилик.
16.Вайронкор ғоя ва мафкуралар, уларнинг моҳияти ва хусусиятлари. **Таянч иборалар:** таназзул, вайронлик, инқироз, парокандалик, экстрелизм, терроризм.
17.Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиш шакллари. **Таянч иборалар:** буюк давлатчилик, миллатчилик, ирқчилик, террорчилик, шовинизм, большевизм, фашизм.
18.Ватан равнақи ғояси, унинг моҳияти ва мазмуни. **Таянч иборалар:** муқаддас макон, ватанпарварлик, Ватан равнақи, илм-фан, маданият, санъат.
19.Геосиёсий мақсадлар ва мафкуравий сиёсат. **Таянч иборалар:** мавқени кучайтириш, инсон онги учун кураш, мафкуравий таъсир, гегемонлик, иқтисодий манфаат.
20.Глобаллашувнинг салбий оқибатлари ва уларга қарши кураш масалалари. **Таянч иборалар:** қуролланиш, онгни заҳарлаш, таъсир ўтказиш, мафкуравий жараёнларни теран англаш, шовинизм, гегемонлик, қашшоқлик.
21.«Дунёвийлик» деган тушунча нимани ифода этади. **Таянч иборалар:** хурфикрлик, илм-фан, худосизликка асосланмагани, хилма-хил тарихий қадриятлар, умуммиллий тараққиёт.
22.Диний бағрикенглик ғояси. **Таянч иборалар:** хамкор, ҳамжиҳат яшаш, эзгулик, халоллик, поклик, диний конфессия, виждон эркинлиги.
23.Диний экстремизмни мафкуравий қуролсизлантириш усуллари ва йўллари. **Таянч иборалар:** миллий ўзликни англаш, диннинг маданий қадриятлари, таълим, ташвиқот, тартибот, ҳаёт даражаси.
24.Диний-мифологик типдаги мафкуралар ва уларнинг асосий белгилари. **Таянч иборалар:** тотемизм, анимизм, фетишизм, большевизм, марксизм-ленинизм.
25.Дунёвий ва диний ғоялар муштараклиги ва уларнинг фарқи. **Таянч иборалар:** дунёвий жамият, ҳамжихатлик, барқарорлик, бағрикенглик, илф-фан, дин.
26.Дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкураларга асос бўлаётган омиллар. **Таянч иборалар:** буюк давлатчилик, этник бирлик, бирлик, диний мансублик, собиқ иттифоқ.
27.Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш. **Таянч иборалар:** оила, ғоявий тарбия, маҳалла, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус ва олий таълим.

28.Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олиш мақсадлари. **Таянч иборалар:** мафкуравий тобе этиш, қарам қилиш, таъсир ўтказиш, гегемонлик, иқтисодий манфаат.

29.Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар. **Таянч иборалар:** шовинизм, панисламизм, пансоветизм, халифалик, гегемонлик.

30.Жаҳон хамжамиятининг халқаро терроризм хавфига қарши жипслашуви. **Таянч иборалар:** жаҳон ҳамжамияти, БМТ, мамлакатлар, умуминсоният манфаатлари, тор доирадаги манфаатлар.

